Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг газетаси

1998 йил
2 декабр, чоршанба

49 (61)

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган





Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан).



Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

(Асосий қонунимизнинг 64-моддасидан).

● *Лижуман*



Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда. Халқимиз шу баҳона Асосий Қонунимизни ўрганмоқда. Биз тараққиётимиз кафолати бўлган мазкур ҳужжатнинг ҳар бир банди, жумласининг моҳиятига етиб, белгиланган ҳуқуқ ҳамда белгиланган мажбурият доирасида яшашга, ишлашга тобора кўникиб боряпмиз. Бунинг замирида Конституцияга ҳурмат кўникмаси, қолаверса, уни ўрганиш, ўқий олиш малакаси ётади. Айни кунларда Асосий Қонунимизни ўрганишга бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Шу тадбирлардан бири 28 ноябрь куни Республика Ички ишлар вазирлиги Академиясида бўлиб ўтди. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ғояларининг Ўзбекистон Республикаси конституциясида мужассамланиши» мавзусидаги конференцияни Академия бошлиғи У. Тожихонов кириш сўзи билан очди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Шундан сўнг Республика Бош прокурорининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Б. Пўлатовнинг «Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва қонунийликни назорат қилиш» , Адлия вазири С. Мирсафоевнинг «Юксак ҳуқуқий маданият - демократик жамият асоси», Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидованинг «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва уларнинг бажарилишини таъминлаш», Олий суд раиси У. Мингбоевнинг «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва суд ҳокимияти мустақиллиги», Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий Маркази директори А. Саидовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг халқаро аҳамияти» мавзуидаги маърузалари тингланди. Газетамизнинг 2-саҳифасида маърузаларнинг қисқача баёни билан танишасиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

... ОЛИМЛАР ВА АМАЛИЁТ ХОДИМЛАРИ ПРОКУРАТУРАНИ ИЖРО ЁКИ СУД ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИГА КИРИТИШ МУМКИН, ДЕГАН ФИКРЛАРНИ ИЛГАРИ СУРМОҚДАЛАР

ҚИШ КУТИБ ТУРМАЙДИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ АЙРИМ КОММУНАЛ ФОЙДАЛАНИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ АМАЛДОРЛАРИ КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИ ҚИШ ОЛДИДАН ТАЪМИРЛАШ УЧУН АЖРАТИЛГАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ БОШҚА МАҚСАДЛАРГА ИШЛАТИБ ЮБОРМОҚДАЛАР.

А-6.

ЎЗ ЎҒЛИНИНГ ҚОТИЛИ БЎЛГАН ЛАРИСА КИМГА ЁН БОСГАН КИМ?..

АСОССИЗ СУД АЖРИМИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

СЕМИЗЛИКНИ КИМ КЎТАРАДИ?

ҲАР СОҲАДА ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛАЁТГАН АМЕРИКАЛИКЛАР СЕМИЗЛАР СОНИ ЖИҲАТИДАН ҲАМ ДУНЁДАГИ №1 МИЛЛАТГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. 2030 ЙИЛГА БОРИБ ҲАР БИР АМЕРИКАЛИК ОРТИҚЧА ВАЗН ЖАБРИНИ ЧЕКАДИ.



ҚАЙГУЛИ ҚИСМАТ

ХАЛҚИМИЗ АТОҚЛИ ЎЗБЕК АДИБИ, ШОИР ВА ПЕДАГОГ ЭЛБЕК - МАШРИҚ ЮНУС ЎҒЛИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА.

ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТЎЙЛАРДА «КЎКИ»ДАН ҚИСТИР-ҚИСТИР АВЖИГА ЧИҚАРДИ. ҚИШЛОҚЛАРДА-ЧИ...

МУҲАММАД ОЧИЛ БУ ҲАҚДА ЎЗИНИНГ ҲАЖВИЯСИДА АЖАБТОВУР ВОҚЕАЛАРНИ МАРОҚ БИЛАН ҚАЛАМГА ОЛГАН.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари «Қонун ҳимоясида» журнали

БОШ МУҲАРРИР:

Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асрор АҲМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ
(масъул котиб)
Мэлс НАИМОВ
Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОТОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Газета андозаси «Ҳуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Газетадан кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик мақолалар белгиси остида чоп этилади.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:
13-363-88, 13-382-34, 77-72-25

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан №00150 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида босилди.
Манзили: *Тошкентшаҳри, Буюк Турон кўчаси -41.*
Нусхаси 12673
Буюртма Г- 0540
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоси сотувда эркин нархда.

Босмахонага топшириш вақти: **20.00**
Босмахонага топширилди: **20.20**

Суратлар муаллифи Р.ШАРИПОВ

Навбатчи муҳаррир: **М.БОЛЛИЕВА**

1 2 3 4 5 6 7

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ



Бахтиёр ПЎЛАТОВ:

- Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолати бўлган мазкур мўътабар ҳужжатда халқимизнинг жами орзу-умидлари, шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, оила, мулк каби қатор долзарб масалалар ўзининг оқилона ечимини топган. Биз ўтган 6 йил мобайнида катта муваффақиятларга эришдик. Халқимиз ва юртимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Азалий қадриятларга қайта ҳаёт бахш этилди. Буларнинг барчаси қонунга итоаткорликнинг натижасидир. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг истиқболи қонунлар ижросининг кафолати билан боғлиқ.

Конституциянинг 118-моддасида Республика ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгилаб қўйилган. Қонун ижроси билан кучли Республика прокуратура маҳкамалари инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан сақлаш, қонунларнинг тўла ижро этилишини назорат қилиш, бир сўз билан айтганда, қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Битта мисол. Ўтган йили 25 мингдан ортиқ шикоят кўриб чиқилди. Ҳар қандай ариза ёки шикоятга қандайдир адолатсизлик, кимнингдир ҳуқуқининг бузилиши сабаб бўлади. Республикамизда Президентимиз ташаббуси билан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида талай ишлар олиб борилмоқда. Дастлабки натижаларга эришилди ҳам. Назаримда, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласини ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Чунки, аксарият ҳолатларда қонунбузилишларга раҳбар кадрларнинг ҳуқуқий жиҳатдан етарли билимга эга эмаслиги, қонунни билмасликлари ёки тушунмасликлари сабаб бўлмоқда.



Сирожиддин МИРСАФОЕВ:

- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун доирасида амалга оширилиши керак. Бу конституциявий талаб. Бунинг учун биз аввало, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини кўтаришга эришишимиз лозим. Тўғри, Республикамиздаги осойишталик барчамизнинг ютуғимиз. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳам роли катта, албатта. Аммо, айрим ходимлар ҳуқуқий савиясининг пастлигини, касбий малакасининг етарли эмаслигини ҳам тан олиш керак. Бу каби камчиликларни тезда бартараф қилиш зарур. Ҳуқуқ посбонлари доим халқ назарида бўлади. Мустақиллик йилларида Олий Мажлис томонидан 224 та қонун ва 105 та қонунга тенглаштирилган ҳужжатлар қабул қилинди. Буларнинг ижросини таъминлаш бевосита ҳуқуқий маданият билан боғланади. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта. Собиқ Иттифоқ даврида республикамизда бирорта ҳуқуқий нашр бўлмаган. Ҳозирда эса уларнинг сони ўттиздан ошиб кетди. Матбуот нашрлари халқимизнинг ҳуқуқий маслаҳатчисига айланиб бормоқда.

Биз ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги фаолиятимизни бирлаштиришимиз зарур. Ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ва манфаатдор идораларнинг бу йўналишдаги ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилса мақсадга мувофиқ бўларди.



Сайёра РАШИДОВА:

- Халқнинг фаол иштирокисиз демократик ислоҳотлар йўлидан бориб бўлмайди. Кейинги 50 йилда инсон ҳуқуқлари масаласи халқаро муаммога айланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши муҳим воқеа бўлди. Бу ҳужжатда инсоннинг жами демократик ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ ифодаланган. Бизнинг Конституциямиз билан бу декларация орасида жипс уйғунлик мавжуд.

Конституциямиз инсон ҳуқуқларининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Республикамизда инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг ҳуқуқий негизи шаклланди. Бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қўшимча демократик институтлар ташкил этилди. Яъни, Конституция талаблари давлат органлари ва қўшимча тузилмалар томонидан амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, амалдаги қонунлар мониторинги институти, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили каби институтлар шулар жумласидандир. Республикамизда аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш масаласи қатъий мақсад асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Журналистлар бугун ҳар қачонгидан фаол бўлишлари керак. Улар аҳолини қонунлар шарҳи, ҳуқуқ оламидаги янгиликлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти билан таништиришдан ташқари, инсонларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳақида дадил ёзишлари лозим. Оммавий ахборот воситалари инсон ҳуқуқлари тўғрисида жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.



Убайдулла МИНГБОЕВ:

- Инсон пайдо бўлибдики, тараққиёт учун интилади. Айни шундай интилиш давлатчиликни юзага келтирган. Давлатчилик одамзотнинг маълум қонун-қоида, интизом асосида яшаш истагини амалга оширади. XX асрнинг охири ўзгаришлар даври бўлди. Қизил империя парчаланди. Шу ҳудудда яшайдиган халқлар ўз тақдирини ўзи белгилашдек улуғ имкониятга эга бўлди. Халқимиз Конституцияда «инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон» қилди. Конституциянинг 13-моддасида таъкидланганидек, «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсизликлари олий қадрият ҳисобланади».

Республика Конституцияси судларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам қатъий белгилаб берди. Суд мустақил ҳокимият сифатида эътироф этилди. Энди бошқа давлат ҳокимиятлари аралашувисиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Илгариги конституцияларда бу белгиланмаган эди. Судга Олий Мажлисда қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилди. Битта мисол. Олий Суднинг таклифи билан Жиноят кодексининг 5 та моддасидан ўлим жазоси олиб ташланди.



Акмал САИДОВ:

- Шу йилнинг 10 декабрида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 50 йиллиги дунё халқлари томонидан кенг нишонланади. Декларация инсон ҳуқуқлари, қадри, шаънини ҳимоя қилувчи дастлабки халқаро ҳужжатдир. Унда Бирлашган Миллатлар ташкилоти Низомида кўрсатилган барча ғоялар ўз ифодасини топган. Ўтган ярим аср мобайнида дунё бўйича инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир 500 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Биргина БМТ томонидан 80 дан ошиқ ҳужжат эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси шуларнинг 21 тасига қўшилди. Бу республикамиз инсон ҳуқуқлари ҳимоясига фаол киришганидан далолатдир. Шунингдек, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти 50 та, Европа кенгаши 180 дан ошиқ ҳужжатга эга. Уларнинг барчасида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ғоялари у ёки бу даражада ўз аксини топган. Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунчилик тизими шаклланди. Декларацияга дунёнинг 182 давлати қўшилган.

Декларация ғоялари республикамизда қандай амалга оширилмоқда?

Аввало, Асосий Қонунимиз Декларациянинг инъикоси эканини таъкидлаб ўтиш жоиз, яъни Конституцияда халқаро қонунчиликнинг асосий тамойил ва ғоялари жамланган. Декларация ва Конституцияни амалга ошириш тизими шаклланган. Вена конвенциясида тавсия этилган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ташкил этилди.

Собиқ СССР ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон декларациясига қўшилган эди. Мен ҳуқуқшунос сифатида бу ҳужжат билан 1989 йил 10 декабрда «Аргументы и факты» газетаси орқали танишганман. Бу ҳужжат илгари замонда халқдан сир сақланган. Чунки, давлат халқнинг ҳуқуқий маданияти юксалиши, ўз ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилишларидан манфаатдор бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу конференция қатнашчилари қонунчилик ва уни амалда қўллаш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам мунозара юритдилар.

Б.УЛЛИБОБОЕВ,
«Ҳуқуқ» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118 - моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши юртимиз ҳаётида улкан сиёсий ўзгариш бўлиб, мустақил Ўзбекистон давлати қарор топганлигининг қонуний мустаҳкамланганлигини намойиш этди.

Конституциянинг 3-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади».

Конституциямизга мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари аввалги тоталитар тузумдан мутлақ фарқ қиладиган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинган.

Гап Конституциянинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида борар экан, унинг «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» деб номланган бўлимида давлат ҳокимияти тизими қаторида прокуратура органларининг конституциявий мақомда мустаҳкамланган эътиборга лойиқдир. Асосий Қонунимизнинг муқаддимасида Конституция «ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган» ҳолда қабул қилингани зикр этилган. Прокуратура органлари ҳокимият тизимида илгари ҳам мавжуд бўлиб, давлатчилигимизни ривожлантириш тарихида назорат органи вазифасини амалга оширишда ўзига юклатилган ваколатни адо эта олган ҳокимият органи сифатида фаолият кўрсатиши зарурлиги учун бугунги кунда ҳам сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигидаги турли кодекс ва қонунлар билан танишар эканмиз, уларда элликдан ортиқ соҳавий ва идоравий назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган органлар мавжудлигини кўрамиз.

Аммо, прокуратура органларининг назорат функцияси соҳавий ва идоравий назоратдан фарқ қилиб, унинг фаолияти Ўзбекистон давлати ҳудудида барча қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилишга йўналтирилган. Бир сўз билан айтганда, прокурор назорати кенг тушунчани англатади. Шуни ҳисобга олган ҳолда прокурор ўзининг умумий назорат фаолиятини амалга ошириш жараёнида деярли барча соҳавий ва идоравий назорат, тафтиш идораларининг фаолиятида улар томонидан қонунларга риоя қилинишини мунтазам текширади.

Таъкидлаш лозимки, прокуратура идоралари Бош прокурор бошчилигидаги ягона марказлашган тизимни ташкил этган ҳолда назорат фаолиятини давлат ҳокимияти ҳамда бошқарувнинг маҳаллий идораларидан мустақил равишда, қонунга итоаткорлик тамойилига риоя қилган ҳолда амалга оширадилар. Прокурорлик назоратининг мақсад ва вазифалари Конституция билан бирга 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида ҳам белгиланган.

Конституциянинг давлат ҳокимияти ташкил этилишини ўз ичига олган V бўлими XXIV бобининг «Прокуратура» деб аталгани Асосий Қонунимизнинг ривожланган давлатлар Конституцияларидан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларидан биридир. Чунки, дунёдаги ривожланган давлатлар - АҚШ, Франция, Германия, Япония, Канада, Италия Конституцияларида прокуратура органлари ҳақида алоҳида боб ажратилмаган. Бу давлатларнинг деярли барчасида прокуратура давлат ҳокимияти тизимида ягона марказлаштирилган тизим сифатида шаклланмаган. Мисол учун, АҚШ Конституциясида (III модда, 1-3- бўлими) суд ҳокимияти ҳокимият тизимининг учинчи тармоғи ҳисобланиши ҳақида бир неча норма бўлиб, унда прокуратура ҳақида умуман сўз тополмаймиз. Франция ва Германия давлатлари Конституцияларида эса прокурор суд ҳокимияти таркибига киритилган мансабдор шахс ҳисобланади. Номи тилга олинган давлатларда прокурорларга фақат судларда жиноят ишларини кўришда давлат айбловини қўллаш ваколати берилган, холос.

Конституциянинг 120-моддасида «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириши, прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партиялар ва сиёсий мақсад-ларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб туриш» каби прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг баъзи принциплари ва прокуратуранинг мустақиллигини кафолатловчи нормаларнинг мавжудлиги, унинг назорат олиб бориш ваколатини амалга оширишда давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда олимлар ва амалиёт ходимлари прокуратура органларини ижро ёки суд ҳокимияти тизимига киритиш мумкин, деган фикрларни илгари суриб, бу масала юзасидан қизғин баҳслашмоқдалар. Аммо, биз бу фикрларга қўшилмаймиз. Амалиётдан маълумки, прокуратура фаолиятини улардан бирига қўшиб қараш очиқдан-очиқ мумкин эмас. Прокуратура қонунчиликни таъминлаш бўйича ҳокимият тармоқлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш имкониятига эга. Худди шунингдек, улар ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, демократик жамият қуриш вазифаларини ҳал қилишда прокурор назоратининг куч-қудратидан фойдаланишлари мумкин. Чунки, кўрсатиб ўтилган икки тизимдан фарқли равишда прокурор қонунларнинг аниқ ва бир хилда қўлланишини назорат қилувчи давлат ҳокимият органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди ёки озод қилади. Бу ҳақдаги фармон Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Бу прокуратура ижро ҳокимияти таркибига киритилган, деган фикрга асос бўла олмайди.

Бизнингча, Конституцияга асосан прокуратура давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи - Президентнинг (Конституциянинг 98-моддаси) ваколатларини амалга оширишда ҳуқуқий механизм бўлиб хизмат қилади. Республика Президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Конституция ва қонун-ларга риоя этилишининг кафили, давлат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитли-гини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради. Бир сўз билан айтганда, Президентнинг Конституциянинг 93-моддасида саналган ваколатларни амалга оширишда прокурор назорати асосий таянч бўлиб хизмат қилиши керак. Шунингдек, прокурорнинг судда иштирок этиши, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга масъул экани уни суд тизимига киради, деган тушунчани бипдирмайди.

Конституция ҳокимият тизимининг уч тармоғини белгилаб бериб, суд ҳокимиятининг тўла мустақиллигини қонуний мустаҳкамлади. Шунинг учун ҳам прокуратура қонунчиликка риоя қилишни амалга оширувчи орган сифатида кучли мустақил суд ҳокимиятининг фаолият кўрсатишидан манфаатдор.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари Конституцияда белгилаб қўйилган назоратни тўла амалга оширишга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

М. РАЖАБОВА,
Республика прокуратураси ўқув маркази директорининг ўринбосари, юридик фанлари номзоди.



УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Бу йил Мустақилликнинг етти йиллиги республикамизда кенг нишонланди. Халқимиз 1 сентябрни ҳар йили нафақат қувончу шодлик, дилда ифтихор билан, балки улкан масъулият ҳисси, янгидан-янги орзулар билан кутиб олмоқда. Мустақиллик, юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳуқуқ демакдир. Биз шундай олий ҳуқуққа эришган халқмиз. Бу ҳуқуқ Конституциямизнинг биринчи моддасида «Ўзбекистон - суверен демократик республика» деб аниқ белгилаб қўйилган сўзларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Айни пайтда конституциявий ҳуқуқдан фойдаланиш, шу имкониятни сақлаб қолиш учун элим деб, юртим деб ёниб яшашимиз керак.

Биз мустақиллик баробарида ҳар доим Конституцияни эслашга, қадрлашга бурчлимиз. Зеро, у мустақилликни ва уни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ягона кафолатидир. Бундан олти йил бурунги халқимизнинг кайфиятини бир эсланг. Конституция лойиҳаси муҳокамасида халқимиз фаол иштирок этди. Бу ҳужжат ҳар биримизнинг ҳуқуқларимиз, шаънимиз, қадримиз, эркин яшаш ва ишлашимизнинг гарови эканлигини англаб етган фуқароларимиз ўз таклиф-мулоҳазаларини бердилар. Президентимиз Конституциянинг ташаббускори бўлса, халқимиз унинг ижодкоридир. Шунинг учун ҳам мустақил республикамизнинг Асосий Қонунида халқимизнинг азалий орзу-истаклари, абадий қадриятлари ифодаланган, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий-сиёсий жабҳанинг барча масалалари қамраб олинган. «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи» экани эътироф этилган.



Республикамизда Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунларнинг ишлаш механизми, амалга ошириш ва ижро назорати масалалари аниқ ҳал этилган. Конституциявий талабларни амалга оширувчи давлат органларидан ташқари, қўшимча демократик институтлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бугунга келиб Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази, Амалдаги қонунлар мониторинги ва Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили каби институтлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг фаол ҳимоясига айланган.

Конституция прокуратура идоралари олдига ҳам улкан вазифалар қўйган. Республика ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат «ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга» оширилади. Конституцион талабларни оғишмай бажариш борасида Республика ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари қатори вилоят прокуратураси томонидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқ-да.

Йилнинг шу даврига қадар фуқаролардан 200 га яқин аризалар келиб тушди ва улар синчиклаб ўрганиб чиқилиб, қонуний ҳал этилди. Биз ҳар бир ариза, шикоят ортида инсон тақдири туришини яхши англаймиз. «Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». (13-модда). Фуқароларнинг мурожаатларини қонун доирасида кўриб чиқиш бузилган ҳуқуқни ўз жойига тиклаш бизнинг бурчимиздир. Яна бир гап. Шикоятлар оқими ҳамон вилоятда ечимини кутаётган муаммолар, инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари кўплигини кўрсатади. Демак, ҳар қандай муаммо ўз ўрни ва вақтида ҳал этилиши лозим. Шундай экан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вилоят прокуратура идоралари ходимларининг асосий мақсадига айланган.

Хабарингиз бор, республикамизда тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар интизомини мустаҳкамлаш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинди. Барча соҳада туб ислоҳотлар ўтказилаётган даврда корхона ва ташкилотларнинг узлуксиз ишлаши ҳамда иқтисодий барқарорлигини таъминлаш жуда муҳим масаладир. Чунки ўзаро тўловларда батартиблик бўлса, иш ҳаки бериш ва нафақаларни молиялаштиришда ҳам изчиллик бўлади. Вилоят прокуратураси томонидан ўтган 10 ой давомида бу йўналишда 119 та текшириш ўтказилди. Тўловлар ва ҳисоб-китоб интизомига риоя қилмаган 86 та шахс интизомий, 14 та шахс моддий, 796 та шахс маъмурий тартибда жавобгарликка тортилди.

Қонунбузарликка йўл қўймаслик хусусида расмий тарзда 374 шахс огоҳлантирилди. Бартараф этиш юзасидан хўжалик раҳбарларига 97 та тақдимнома, 35 та амрнома юборилди. Жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар бўйича 61 та жиноят иши қўзғатилди.

Конституция прокуратура идоралари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклаган, зарур даражада ваколат берган. Ўз фаолиятимизни Конституция талаблари даражасида ташкил этиш ва инсон ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилиш ҳар вақт ҳам бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Орипжон ХОЛМАТОВ,
Тошкент вилояти прокурори.

• *Ҳуқуқ ва бурч*

ИСТИҚЛОЛУ ҲУРЛИККА ТАЪЗИМ



Байрам арафасида руҳим янада енгил тортиб, қалбимнинг туб-тубларида ажиб бир ширин туйғу чарх ура бошлади. Шукрким, эркинман, озодман, инсоний ҳуқуқларим бор ва улар кафолатланган. Шодлансам арзийди, ярашади, ростдан ҳам шу-да, менинг жону-жаҳоним.

Истиқлолимизга, ҳурлигимизга қуллуқ ва таъзим қиламан. Бенхтиёр муборак қомусимиз - Конституциямизни варақлай бошлайман. Мақтанаяпти демангиз, унинг матни умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилгандан буён мутолаа қиламан. Ҳар гал унинг сатрларидан бир ҳовуч дурдона топгандай бўламан, тафаккурим ўткирлашади, юрагим тераплашади, ўйларим тиниқлашади. Қомусимиз менинг назаримда, элу юртимизнинг юрагига ўхшаб кўринади. Йўқ, бу бир китоб ёки қонунлар мажмуаси эмас. Бу ўзбекнинг асрий армони, барча орзу-ҳавасларининг рўёби, қаноти, парвози, дунё таниётган қиёфаси, хушчеҳраси.

Бу гал ҳам ҳар бир сатр мутолаасида ўйга толдим, кечаги кунларим кўз олдимга келди. Нощукрлик қилаётганим йўқ. Инсоф ва диёнат билан айтадиган бўлсам, ёмон яшамаганмиз. Қорнимиз тўқ, устимиз бут эди. Аммо, фақат нон деб яшамайди инсон. Озодлик - ободлик дейдилар. Озодликни бой берган эдик, ҳуқуқимиз, эркимиз ўз ихтиёримизда эмас эди. Туйғуларимиз қанотсиз, дилларимиз ўксик, тилларимиз яримта эди. Узоқ йиллар қўрқинчда яшадик. Бағримизда бир ваҳима, титроқ бутун борлигимизни ўз исканжасига олиб турарди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ёстиғи қуритилган юртдошларимизни санаб ниҳоясига етиб бўладими? Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирни нега қатл этдилар? Улар миллатимиз гуллари эди. Бесабаб қатл этилган оддий ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар-чи? Ҳуқуқсизлигимиз, эрксизлигимиз, қарамлигимиз касофати эмасми булар? Ўзимизга ўзимиз хўжайин бўлганимизда ўшандай фожиалар содир этилмас эди.

Конституциямизнинг қабул қилиниши жуда катта тарихий воқеа бўлди. У бутун дунёга ўзбек деган халқ бор, Ўзбекистон деган юрт бор, деган садодай жаранглади.

Қомусимизнинг ҳар бир сатрининг магзини чақиб, қайта-қайта ўқишга интиламан. Сатрлар ҳаёлимда ёд бўлиб ўтади: «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга», «Ҳар ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», «Ҳар ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас», «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга» ёки «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли». Конституциямиз бамисоли бир шаффоф булоқ бўлса, ушбу сатрлар унинг биллурий томчилари, холос.

Конституциямиз энг ноёниқ инсоний туйғуларимизгача барча-барчасини тиклади, бутун бўй-бастини намоён этди, барқарорлаштирди, ҳимоясини қонуний йўл билан кафолатлади. Бугун у ақл ва заковатларимизни, қобилият ва истеъдодларимизни, қўйинг-ки, меҳнатимизни қадрлаяпти, эъзозлаяпти, рўёбга чиқарояпти. Бизга берилган ҳуқуқларнинг заминида битта яхлит мантиқ ётади: чинакамига меҳнат қилиб роҳат тинг, ҳуррамиз. Барчаси учун раҳмат. Юртдошларимиз эркинликларини рўй-рост ҳис этишаётганидан, ўзлигини танияётганидан гоят мамнунман. Лекин бир шубҳа гоҳи-гоҳи мувозанатимни бузади. Айрим калтабин кимсалар ишбилармонлик ниқоби остида ҳуқуқларимиз мазмунини чуқур англаб етмаётганликлари оқибатида уни суиистеъмол қилишга бориб етаяпти. Аслида ниҳоятда диёнатли, ҳалол-пок инсонлар бундай гирром йўллардан ҳазар қилади. Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд ва Навоий вилоятларида бўлганида айрим хато ва камчиликларни муросасиз фош қилиб ташлаганида барчанинг диққат-эътиборини мана шу хавфли нуқтага қаратди ва одамларни яна бир карра ҳушёрлик ва ҳалолликка чақирди. Мана шу даъват ҳамма учун ибрат бўлмоғи лозим.

Ҳуқуқ ва эркинлик ақли расо, эсҳушли, қобилиятли, ишчан, тадбиркор ва режали одамлар учун камолот йўли, катта имконият деган гап. Демак, энг муҳими меҳнат қилиш, қилганда ҳам онгли ва юракдан меҳнат қилиш зарур бўлади. Лоқайд, дангаса, ишёқмас бўлсангиз, «олма пиш-оғзимга туш» қабилида кун кечиришга ўргансангиз, бу сизнинг бахтсизлигингиз, биринчи инки бўлмайди, зорланиб, қимлардандир, нимадандир норози бўлиб, муҳтожликда умр кечираверасиз. Машҳур итальян рассоми ва олими Леонардо Да Винчининг бир ибратли гапи бор: «Бахт кўп меҳнат қиладиган кишига муяссар бўлади».

Ҳуқуқларимиздан у ёки бу даражада фойдаланишга интилаётирмизу, аммо бурчларимиз хаёлимиздан салгина фаромуш бўлаётгандай туюлади менга. Ватанни севиш иймондандир. Гоят табаррук таъриф. Бу энг олий бурчимиз. Ўйланиб кетаман. Ёнолмаётганга, ҳамон тутаётганга ўхшаймиз. Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш бурчимиз. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий заҳираларни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилиш бурчимиз. Ҳа, Қомусимизда бурчларимиз ҳам аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Бурчни унутиш, бурч чегарасидан чиқиш инсонийликка кирмайди. Элини, юртини севган инсонлар эса ўз бурчларини бир дақиқа ҳам ёддан чиқармайдилар.

Ҳуқуқ ва бурч амалиётда ўзининг тўғри ва ёрқин ифодасини топгандагина қудратли ва улуғвор бўлади. Истиқлолимиз ва ҳурлигимиз бизга шундай имкониятни яратиб берди. Ундан оқилона фойдалана олмасак, юқорида таъкидлаганимдек, бахтсизлигимиз бўлади. Академик шоиримиз Ғафур Ғулом бундан салкам ярим аср муқаддам шундай деб ёзган эди:

«Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ганиматдир шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин».

Ҳа, шоирнинг бу башорати бугун ўзбеклар юртининг ва унинг фуқаролари манглайида тақдир ёзмишидай ярақлаб турибди. Уша ганимат фурсат ва ниҳоят етиб келди. Умримиз дафтарини шоҳ сатрлар билан безаш имконияти ҳақиқатга айлангани рост. Ҳуқуқ ва бурчларимизни тўғри англасак, турмушимизга оқилмай тадбиқ этсак, умримиз дафтарига сайқал беражак шоҳ сатрлар албата яратилади. Ана ўшанда ўзбекнинг меҳнаткашлигини, иқтидору салоҳиятини, илму маърифатини, ақлу заковатини дунёга намойиш этган бўламиз. Ана ўшанда қалдимизни тик тутиб, ғурур ва ифтихор билан «Мен ўзбекман» деб жаҳонга баралла айта оламиз.

Турсунбой МИРЗАЕВ,
юридик фанлари номзоди.

Октябрь ойининг ўрталарида кутилмаганда қор ёғиб, ҳаммани шошириб қўйди. Бу қишнинг биринчи огоҳлантириши эди. Бу ҳол пойтахтимизнинг уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари раҳбарларини сергаклантирмади. Яна кунлар илиб, ёғуё улар назарида муаммолар ҳал бўлгандай эди.

ҚИШ КУТИБ ТУРМАЙДИ



Бонг

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 августдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 1998-99 йил кузқиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаларининг аҳоли истиқомат қиладиган уй-жойлар, мактаблар, ўқув юртлари ва бошқа маъмурий биноларни қишки мавсумга тайёрлаш борасидаги фаолияти бўйича текшириш ўтказилди.

Текширишлар натижасида айбдор шахсларга нисбатан 14 та жиноят иши очилди ва 68 дан ортиқ прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Жумладан, кўп қаватли уйларни қиш олдидан қайта таъмирлаш лозим бўлган бир вақтда, пойтахтимизнинг айрим коммунал фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг мансабдор шахслари ажратилган қурилиш материалларини бошқа мақсадларга ишлатиб, аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Чилонзор тумани коммунал фойдаланиш бошқармаси таъминотчиси С. Шамрай 1998 йилнинг 15 октябрида тегишли ҳужжатларга асосан шаҳар ҳокимлигининг моддий-техника таъминот бошқармаси омборхонасидан нархи 138 минг сўм бўлган беш тонна битумни қабул қилиб олган. Лекин, ушбу қурилиш маҳсулотини туман коммунал фойдаланиш бошқармаси омборига топширмай, уни гумдон қилган. Текширишда С. Шамрайнинг сири фош бўлиб қолди. 1998 йилнинг 27 октябрида унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва у қамоққа олинди.

1998 йилнинг 29 октябрь куни «Беласт» хусусий корхонаси раҳбари В.Беловга нисбатан ЖК нинг 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Нега шундай бўлди? Яккасарой туман халқ маорифи бўлимига қарашли 72-сонли ўрта мактаб биносини таъмирлаш пайтида, «Беласт» хусусий корхонаси раҳбари томонидан бажарил-маган ишларни қўшиб ёзиш орқали 76260 сўм ўзлаштирилган.

Миробод туман коммунал фойдаланиш бошқармасида ўтказилган тафтишларда моддий жавобгар шахс бўлган Ф.Ҳамидуллаев жавобгарлигида бўлган маҳсулотлардан 14018 сўм камомад ва 16317 сўм 71 тийин ортиқча маҳсулотлар борлиги аниқланди ва унга нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Текширув пайти С. Раҳимов туманида яна бир жиноят фош этилди. Тумандаги 9-сонли уй-жойлардан коммунал фойдаланиш бошқармасида ўтказилган текширишда 38673 сўмлик камомад аниқланиб, 1998 йилнинг 28 октябрь куни ушбу бошқарма бошлиғига нисбатан ЖК нинг 167-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Энг ачинарлиси, уй-жойдан коммунал фойдаланиш бошқармаларининг айрим раҳбарлари ўз вазифаларига совуққонликлари туфайли қўл остидаги ходимлар давлат мулкини талон-тарож қилиб, қўшиб ёзиш ва бошқа турдаги жиноятларни содир этмоқдалар. Айрим ҳолларда бундай нопокликларга баъзи ташкилот раҳбарлари ҳам ҳомийлик қилишмоқда. Масалан, Шайхонтоҳур туманидаги ижара корхонасида бошқарма бошлиғи Б. Усмонхонов ва омбор мудири Ю. Шомуродбековларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари натижасида корхона омборида 175 минг сўмдан зиёд камомад келиб чиқди. Шу муносабат билан ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Мана, қишнинг совуқ кунлари бошланди. Аҳвол шу тарзда давом этса, кўплаб тураржойлар аҳолиси уйлари исимаётганидан шикоят қилиб, уй-жойдан фойдаланиш ташкилотларининг эшиклари ёнида турнақатор бўлиши аниқ. Коммунал фойдаланиш бошқармаси раҳбарларининг жавоблари эса тайёр: «Материал йўқ». Аслида эса юқорида келтирганимиздек шу соҳанинг раҳбарлари пинагини бузмай, баҳона қидиришдан нарига ўтмайдилар.

Ҳамза тумани уй-жойлардан коммунал фойдаланиш бошқармаси ва ПМТСиК қурилиш-таъмирлаш бошқармаси ўртасида айрим уйларни таъмирлаш учун 526 минг сўмлик шартнома тузилган. Мутахассислар ёрдамида ўтказилган текширишда ҳужжатларда 126,1 минг сўмлик ишлар оширib ёзилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан айбдор шахсларга нисбатанЖК нинг 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Пойтахтимизнинг айрим туманларида уй-жойдан коммунал фойдаланиш бошқармалари ходимлари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошганликлари, фуқаролар томонидан имтиёзли равишда ҳақ тўлаш учун тақдим этилаётган қалбаки ҳужжатларнинг ҳақиқий эканлигини текширмаганликлари натижасида давлатга анчагина миқдорда зарар етказилмоқда. Масалан, Сирғали туманида ўтказилган текширишларда 1- ва 3- уй-жойлардан коммунал фойдаланиш бошқармаси ходимлари фуқаролар томонидан тақдим этилаётган маълумотларга асосланиб, уй-жойдан фойдаланганлик учун ҳақларни 50 фоиз миқдорида ундириб келишган. Натижада, давлатга минглаб сўм зарар етказилган. Имтиёз берадиган қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, давлатга зарар етказганликлари учун Г. Кобец, З. Қодирова, В. Ярашова, А. Қорабоева ва З. Мусаевваларга нисбатан ЖК нинг 228-моддаси 1 ва 3- қисмлари, 168-модданинг 1-қисмлари билан жиноят ишлари қўзғатилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 августдаги қарорининг 10-банди ижроси пойтахтимизнинг айрим туманларида қониқарсиз аҳволда экан. Жумладан, Миробод туманидаги 11-сонли туғруқхона биноси ва 2-сонли шифохонани қиш мавсумига тайёрлаш ишлари ўрганилганда, биноларнинг ертула қисми тўлиқ таъмирланмаганлиги, иссиқлик қувурларининг айрим жойларидан сувлар оқиб ётганлиги аниқланди. Чилонзор туманида мавжуд 1041 та уйдан шу бугунга қадар 588 тасига иссиқлик берил-ган. Бундан ташқари, уйларнинг ертўлаларида сув тошиши ва тўпланиши ҳолатларининг олди олинмаган.

Қиш эса кутиб турмайди. Илиқ кунлар ғанимат эканлигини пойтахтимизнинг уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарлари унутмасликлари шарт.

Б. ФОРИҒОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси.



Болаликнинг бахтиёр дамлари.

• *Прокурор протест келтиради*

АСОССИЗ СУД АЖРИМИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 26-моддаси)

Конституцияга мувофиқ мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади. Ноҳақликка учраган ҳар қандай фуқаронинг ҳуқуқлари эса қонун билан ҳимоя қилинади. Бу борада прокуратура идоралари зиммасига алоҳида масъулият юкланган.

Шуни айтиш керакки, республика прокуратураси ва унинг жойлардаги қуйи бўғинларида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, адолатни тиклаш юзасидан катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, судларнинг асоссиз ҳукм ва ажримлари устидан прокурорлик таъсир чораларини кўллаш амалиёти янада самарали бўлиб бормоқда. Бунинг натижасида кўплаб фуқароларнинг ғайриқонуний жазога тортилишининг олди олинмоқда.

ТОУ-КО ЛТД фирмасида бош ҳисобчи бўлиб ишлаб келган Лариса Ким Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1997 йил 24 ноябрдаги ҳукми билан 10 йил озодликдан маҳрум этилади. Чунки, у қабиҳ жиноят содир этган, яъни эндигина 7 ёшга кирган ўз ўғлининг қотилига айланган эди.

Лариса қилмишига яраша қонуний жазосини олди, бунга ҳеч қандай эътироз йўқ. Бироқ... Шу суд 1997 йил 24 ноябрда яна бир ажрим чиқардики, бу билан келишиб бўлмасди. Гап шундаки, суднинг ушбу ажримига асосан Тошкент шаҳар прокуратураси терговчисининг 1997 йил 28 июндаги Республика ИИВ терговчиси А. Собировга нисбатан ЖК нинг 103-моддаси 2-қисми билан кўзғатилган, алоҳида ажратилган жиноят ишини ёпиш тўғрисидаги қарори бекор қилинади. Хўш, суд қандай асосларга кўра бундай ноқонуний ажрим чиқарган?

Тергов жараёнида бир неча марта сўроқ қилинган Л. Ким ўз ўғлини ўлдирганлиги ва ўз жонига суиқасд қилганлигининг сабабини қуйидаги важларга боғлайди, яъни у «Туҳфатовлар оиласига боскинчилик қилиниши факти бўйича тергов олиб борган терговчи А. Собиров мени сўроқ қилиш пайтида, бу жиноятда иштирокчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилишингиз мумкин, деб айтди. Мен ундан ёрдам сўраганимда, А. Собиров бунинг учун 25000 АҚШ доллари талаб қилди», деб кўргазма берган. Л.Кимнинг кўргазма беришича, у бу ҳақда қариндошлари Лида Ким ва А. Хванга айтган, шунча миқдордаги пулни тополмагач, ўзини ва ўғлини ўлдиришга аҳд қилган.

Дастлабки терговда сўроқ қилинган А. Собиров Л. Кимнинг кўргазмаларини инкор этади. Унинг тушунтиришича, у И. Лининг шахсини аниқлаш учун Л. Кимни икки марта гувоҳ сифатида сўроққа чақирган. Собиров иш ҳолатлари бўйича унга ҳеч нарса айтмаган. Л. Кимни биринчи марта сўроқ қилган пайтида хонада терговчи А. Усмонов, иккинчи сўроқ пайтида эса У. Юнусов бўлган. У Л. Кимдан 25000 АҚШ доллари талаб қилмаганлигини А. Усмонов ва У. Юнусов тасдиклашган.

Л. Кимни сўроқ қилиш баённомаси А. Собиров ҳақиқатан ҳам уни И. Лининг шахсини аниқлаш юзасидан сўроқ қилганини исботлайди.

Юқоридаги далиллардан, ишдаги бошқа мавжуд материаллардан кўринадики, А. Собиров томонидан Лариса Кимни ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказганидан далолат берувчи бирон-бир ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланмаган. Лариса Ким жазодан қўрқиб, ўз қилмишини енгиллаштириш мақсадида юқоридаги асоссиз важни тўқиб чиқарган.

Дастлабки тергов жараёнида Л. Кимнинг А. Собиров таъмагирлик йўли билан 25000 АҚШ доллари талаб қилганлиги ва уни ўз жонига қасд қилиш даражасига етказганлиги тўғрисидаги аризаси тўлиқ текширилган ва тасдиқланмаган. Шу боисдан А. Собировга нисбатан қўзғатилган иш унинг хатти-ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун асосли тўхтатилган.

Суд мазкур ишни кўриш жараёнида фақат Л. Кимнинг кўргазмасини асос қилиб олган.

Албатта, бундай ноқонуний суд ажримлари адолат ва қонун назоратчиси бўлган прокурорларнинг ўткир нигоҳидан четда қолмайди. Қолаверса, қонун ҳар қандай адолатсизликни бартараф этишни талаб қилади.

Қонун устуворлиги тамойилидан келиб чиққан ҳолда терговчининг А. Собировга нисбатан кўзғатилган жиноят ишини тўхтатиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш юзасидан суднинг чиқарган ажрими устидан прокурор протест келтирди.

Республика Олий Судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати мазкур протестни кўриб чиқиб, қаноатлантирди. Шу тариқа яна бир инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Б. ФОЗИЛОВ,
Республика Прокуратураси бошқармаси прокурори, адлия маслаҳатчиси.

• *Оила – қонун ҳимоясида*

ВАТАН ТАЯНЧИ

Оила – ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Ислом КАРИМОВ.

Жаҳон қонунчилигидан бизга маълумки, Конституция давлатнинг олий юридик кучга эга Асосий Қонунидир. Мустақил Ўзбекистонда ҳам Конституция ҳуқуқ тизимининг негизи ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясининг «Оила» бобида жамиятимиздаги никоҳ, оила, ота-она, болалар ва қариндош-уруғчилик ўртасидаги муносабатлар ҳамда давлатнинг муносиб авлод тарбиясига оид вазифалари қонуний асосини топди.

Президентимиз томонидан 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинганлиги оиланинг давлат муҳофазасига олинганлигининг яна бир исботидир. Бу борада жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мазкур дастурга асосан 150 дан ортиқ турли тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан ишлаб чиқилган, шу йилнинг 1 сентябридан амалга киритилган Оила кодексида шарқона қадриятлар, қонқариндошчилик, болаларнинг ота-оналарига меҳр-муҳаббатлари, бурчлари, авлодлар тарбияси учун ота-онанинг тенг масъулиятли эканлиги ўз ҳуқуқий аксини топган. Авлодлар тарбияси учун энг аввал, оилада соғлом муҳит яратилмоғи керакки, бунинг учун оила эркак ва аёл томонидан муқаддас даргоҳ сифатида ҳимоя қилиниши лозим.

Оилавий ҳаётнинг аниқ чегараланган андозаси йўқ. Шариат қонуни ҳисобланган Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф минг йиллар давомида Шарқ халқларининг ҳаётига таъсир кўрсатиб, оилавий муносабатларни бошқариб келган. Лекин, 70 йилдан ортиқ давр мобайнида амал қилган «европача» қонунлар миллий турмуш тарзимизга таъсир қилмасдан қолмади. Маълумки, кейинги пайтларда жамиятда никоҳ тузишга давлатнинг ва маҳалла «қўйнинг назорати сусайиб бораётганлиги кузатилаётган эди. Оила кодексида никоҳ тузишнинг тартиби ва шартларига бир қанча янгиликлар киритилдики, бундан мақсад оилани мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш ва соғлом авлодни тарбиялашни давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солишдан иборатдир. Оила мустаҳкам бўлиши учун никоҳ деб аталмиш муқаддас пойдевор икки томоннинг соф муҳаббати, розилиги ва эркинлигига асосланиши керак. Лекин, никоҳ фақат иккита ёшнинг иши, деб тушунмаслик жоиз. Ҳеч қайси ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. «Ота рози - худо рози», дейди доно халқимиз. Ота-она розилиги ва оқ фотиҳаси ёшларнинг ихтиёрий никоҳга кириши ва бахтли оила қуриб, ҳаёт кечиришларига олиб келади. Зеро, ҳар томонлама мустаҳкам кўрғондагина янги авлод вакиллари комил инсон сифатида вояга етади.

Мустақил ҳаётга қадам қўяётган бугунги ёшларимиз Оила кодексидаги оила қуришнинг ҳуқуқий асослари ҳақида нималарни билишлари керак?

1. Оила кодексининг 1- моддасида оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир, деб кўрсатилган. Шунингдек, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши ва уни ҳақиқий эмас, деб топиш шартлари ва тартибини белгилайди. Оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинган)лар ўртасидаги, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада эса қариндошлар ҳамда бошқа шахслар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкий муносабатларни ҳамда ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни оилага олиш шакл ва қоидаларини, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини белгилайди.

2. Оила кодексида белгилаб қўйилган никоҳ тузишнинг қуйидаги шартларини ҳам билиб қўйсангиз фойдадан холи эмас:

- никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органларида тузилади;
- диний расм-русумларга бинoан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас;
- никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин;
- никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади;
- никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар:

- лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;
- насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;
- лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш:

- тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади;
- кўрик натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у никоҳланувчи шахсга фақат кўрикдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин;
- башарти, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети тақчиллиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишни талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлидир.

3. Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳ тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик мажбуриятлари вужудга келади;
- эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир;
- никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эр ёки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилияларини сақлаб қолади;
- эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эркиндирлар;
- болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар.

Ҳар бир ота-она Президентимиз Ислом Каримовнинг «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан сингади», деган сўзларига риоя қилган ҳолда авлодлар тарбиясига энг муҳим вазифа сифатида ёндошмоғи лозим. Зеро, маънавий етук оилагина Ватаннинг таянчи бўла олади.

Мавсума ЙЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти.



Ҳаёт давом этаверади...

СУРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ҳурматли таҳририят! Менинг қуйидаги саволимга жавоб берсангиз:

Ходим раҳбарни жамоа олдида иш вақтида ҳақорат қилди. Раҳбар ариза билан ички ишлар идорасига мурожаат этди. Бир ҳафтанинг ичида суд ходимни икки марта жаримага тортди ёки бир марта жарима, иккинчи марта 15 сутка жазо белгилади. Корхона раҳбари ўша ходимни Меҳнат кодексининг қайси моддаси билан озод этишга ҳақли ёки раҳбар бунинг учун ходимни ишдан озод эта олмайдими? Раҳбар ходимга қандай чора кўриши мумкин?

М. ҲАМРОЕВ,
Шофиркон тумани
Нодирабегим кўчаси 1-уй.

Фуқаро М. Ҳамроевнинг хати кўриб чиқилди.

Хатдан маълум бўлишича, ходим иш вақтида раҳбарни ҳақорат қилгани учун маъмурий жавобгарликка тортилган.

Лекин, хатда айнан қандай ҳаракатлари учун ходим маъмурий жавобгарликка тортилганлиги кўрсатилмаган, шунинг учун қўйилган саволга амалдаги қонунга мурожаат қилиб, жавоб бериш мумкин.

Меҳнат Кодексининг 176-моддасида меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан, иш берувчининг (раҳбар) қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариш ходимнинг бурчларидир, деб белгиланган. Ходимларнинг меҳнат вазифалари корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида ва меҳнат шартномасида белгиланади.

Агарда, ходим содир этган ҳаракатлар корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан меҳнат вазифаларини бузиш, деб ҳисобланса, у ҳолда ходим маъмурий жавобгарликка тортилганидан қатъи назар, корхона раҳбарининг буйруғи билан қонунда белгиланган муддат ва тартибда интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бундай ҳолатда ходим билан меҳнат шартномасини Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 3-банди билан бекор қилиш мумкин. Лекин, шу моддани ходим томонидан бир йил мобайнида интизомга хилоф ноҳўя ҳаракати такроран содир қилинган тақдирдагина қўллаш мумкин, яъни интизом мунтазам равишда бузилганда шу моддани қўллашга асос бўлади.

Борди-ю, ходим томонидан содир этилган ҳаракатлар корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида меҳнат вазифаларини бузиш ҳолати деб кўрсатилмаган бўлса, шу ҳаракатлари учун, шунингдек, маъмурий жавобгарликка тортилганлигини асос қилиб, ходимни интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан ишдан бўшатиш мумкин эмас.

И.ЖАСИМОВ,
Республика Прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

ЁШ СУРАТКАШ





Эндигина ўн уч баҳорни қаршилаган бу жажжи сураткашни Хонқа туманида танимайдиганлар кам топилса, ажаб эмас. Катталарга хос хушмуомалали, одобли Қаҳрамон Жуманиёзов шаҳардаги Қодир Матниёзов номли ўрта мактабнинг 7-синфида таҳсил олади. Тенгдошлари қатори аниқ фанларга қизиқиш билан бирга, сурат олишга ҳаваси баланд. Мана, икки йилдирки, у ўқишдан бўш пайтлари «Орзу» суратхонасида устозлик Отабек Искандаровдан бу сеҳрли касбнинг сирларини қунт билан ўрганмоқда. Хонқа туманининг «Томадурвадик» қишлоғида истиқомат қилувчи табиат шайдоси Собир ака Ғаййимбердиев ҳам Қаҳрамоннинг таклифига бажонидил рози бўлиб, суратга тушди.

• *Ажаб дунё*

СЕМИЗЛИКНИ КИМ КЎТАРАДИ?

Америка Қўшма Штатларининг аҳолиси бугунги кунда дунёдаги энг семиз миллатга айланиб бормоқда. Америкалик медиклар ўз мамлакатига мана шундай нохуш ташхис қўймоқда. Уларнинг тахминларига кўра, агар АҚШ аҳолиси иштаҳасини тиймаса, 2030 йилга бориб ҳар бир америкалик ортиқча вазн жабрини торта бошлайди.

«Ҳақиқий эпидемия», «нотўғри овқатланиш билан боғлиқ энг катта муаммо» - бу каби жумлалар яқинда Канзас-Ситида бўлиб ўтган Америка Диетологлари уюшмасининг йиллик конференциясида қайта-қайта такрорланди. Экспертларнинг таъкидлашича, америкаликлар илгари ҳеч қачон бу даражада семиз бўлмаганлар. Ҳозирги вақтда катта ёшдаги одамларнинг 55 фоизи меъёридан ортиқ вазнга эга. 60 - йилларда бу рақам 43 фоизни ташкил этарди. Ўртача ҳисоблаганда, бугунги америкалик эркак ўз бобосидан 11 килограмм оғирроқдир. Медикларни айниқса, ташвишга солаётган ҳолат шундан иборатки, америкалик ҳар бешта боладан биттаси ана шу касалга гирифтор бўлмоқда.

Соғлом турмуш тарзи ва доимий жисмоний машқлар Америкада оммавий тус олган бўлсада, семиз одамларга азалдан хайрихоҳ муносабатда бўлиб келинади. Баъзилар, ҳатто семизликни шахснинг ўз бетакрорлигини намоён этиш ҳуқуқи, деб тушунадилар. Аммо, бундай «ўзига хослик» нафақат айрим кимсалар, балки бутун давлат учун ҳам бағоят қимматга тушмоқда. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Қўшма Штатларда ҳар йили 300 минг киши ортиқча семизлик оқибатида келиб чиққан турли хил касалликлардан вафот этади.

АҚШда тўпланган статистика маълумотларига кўра, диабет касаллиги билан оғриган беморларнинг 75 фоизи, шунингдек, қон босими ва қонда холестеринниг ошишига йўлиққан кимсаларнинг 50 фоизи меъёрни билмай ортиқча семириб кетган одамлардир.

Хомсемизлик туфайли вужудга келадиган хасталикларга қарши кураш учун мамлакатда ҳар йили 52 миллиард доллар сарф қилинади. Агар, мазкур беморларнинг соғлиги сабабли қимматли иш вақтининг йўқотилиши ҳам ҳисоб-китоб қилинса, бу рақам 100 миллиард доллардан ошиб кетади.

Америкаликлар дуч келган «семириш эпидемияси»га ташхис қўяр экан, экспертлар бу ҳолнинг сабабларини ҳам ортиқча қийинчиликсиз аниқ кўрсатиб беришади: моддий тўкинчилик ва жисмоний ҳаракатнинг камлиги.

«Биз шундай бир жамиятда яшаймизки, унда одамлар юрмайди, балки фақат машина минади, бир зумда хизмат қиладиган емакхоналар сутканинг 24 соати давомида очиқ, реклама эса носоғлом егуликларни тинимсиз тарғиб қилиб, болаларнинг онгини заҳарлайди, - деб ёзади шу муносабат билан «Канзас-Сити стар» газетаси. - Биз истеъмол қиладиган таомларнинг тўртдан бир қисми - ёғда қовурилган картошкадир».

Медикларнинг асосий эътирозига сабаб бўлаётган яна бир нарса - мактаб ошхоналари таомномаси рўйхатидан чала фабрикат овқатларининг кенг ўрин олганидир. АҚШда бундай егуликлар деганда ҳар хил гамбургерлар, чипслар ва ҳоказолар тушунилади.

«Мактаб ошхоналарида ўқувчиларни шундай егуликлар билан боқишнинг зарарини нимага қиёслаш мумкин? - деган савол билан жамоатчиликка мурожаат қилди диетологлар конференциясининг муҳтарам бир иштирокчиси. - Буни фақат мактабларга сигарет сотадиган автоматларни ўрнатиш билан таққослаш мумкин, холос».

Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, ортиқча семизликка қарши кураш масаласига медицина катта эътибор қаратиши зарур. Энг муҳими, бу борада енгил-елпи хулосалар ва кураш усулларига йўл қўйиб бўлмайди. Бесўнақай гавдани балеринанинг нозик қоматига айлантираман, деган хаёлда ортиқча чиранib, ўзини очликка маҳкум этишлар зарардан бошқа ҳеч қандай ижобий натижа бермайди. Аксинча, шундай машаққатлар билан йўқотилган ортиқча вазн озгина фурсат ўтар-ўтмас осонлик билан яна тикланиши мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, энг аввало киши ўз олдига аниқ бир мақсадни, масалан, 10 килограммга озишни қатъий вазифа қилиб қўймоғи лозим. Борди-ю, беш килограммга оза билсангиз ҳам, бу ҳол соғлигингизга ижобий таъсир қилади.

Яна бир қимматли маслаҳат (ўйлаймизки, у нафақат америкаликлар, балки кўпчилик учун аҳамиятга эга): овқат рационидаги семиришга олиб келадиган носоғлом егуликларни мумкин қадар камайтириш, уларнинг ўрнини мева ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш билан тўлдириш лозим. Америкалик айрим врачларнинг фикрича, давлат бу муҳим ишга ўз амалий ҳиссасини қўшиши керак. Жумладан, улар саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмайдиган кулинария маҳсулотларига солиқни ошириб, мева ва сабзавот етиштирувчиларга солиқ бўйича қўшимча имтиёзлар берилишини таклиф қилмоқдалар.

АҚШ матбуоти материаллари асосида Шамсиддин СУЛТОНОВ тайёрлади.

• *Элбек таваллудининг 100 йиллигига*

Атоқли ўзбек адиби ва йирик педагоги Элбек - Машриқ Юнус ўғли 1920-30 йиллар ўзбек адабиётининг кўзга кўринган дарғаларидан эди. Унинг мўътабар номи адабиёт ва маданиятимизнинг йирик алломалари Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Аъзам Айюб, Абдулҳамид Мажидийлар қаторида эъзозланади ва қадрланади.

ҚАЙҒУЛИ ҚИСМАТ



Элбек 1898 йилда Тошкентнинг тоғли Хумсон қишлоғида ута камбағал деҳқон оиласида таваллуд топган. У дастлабки сабоқни ўз қишлоғидаги эски мактабда олган бўлса-да, кейинчалик, яъни 10-12 ёшида Тошкентдаги ўрис-тузем ва босқич мактабларида, инқилобдан сунг эса муаллимлар тайёрлов курслари ҳамда Олий педагогика институтида таълим олади.

Ижодкорнинг ҳаёти, фаолияти, фожиали қисмати хусусида талайгина чиқишлар қилинган. Шу боис, Элбекнинг бой ижодиёти хусусида қайта гап очмасдан, унинг қайғули қисмати ҳақида ёзишга жазм этдик.

Элбек 1937 йили «миллатчи», «пантуркист», «шўро душмани» сифатида қамоққа олиниб, «учлик» ҳукми билан 12 йилга қамалиб, 1939 йили турмада қийноқлар гирдобида ўлдирилади.

Ижодкорни яхши биладиган, у билан ҳамсуҳбат булган кишилар иккиучтагина қолишган. Атоқли файласуф олим Сулаймон Азимовга ўхшаш Элбекни яқиндан биладиганларнинг кўплари ҳозир орамизда йўқ. Юз билан юзлашган, йирик тарихчи олим Очил Қодирий ана шундайлардан. У киши ҳозир 98 ёшни уриб қўйган. Оқ ва қизил империя даври воқеа-ҳодисаларини, турли тарихий шахслар фаолиятини яхши биладиган зиёлидир.

Бу мўътабар инсон хотираларидан ёзиб олар эканман, тақдири ва қисмати ўрганилаётган ва таваллуди-нинг 100 йиллиги нишонланиш арафасида турган Элбек ҳақидаги кўрсатма ва гувоҳликлар алоҳида аҳамиятга эга эканлигини дил-дилдан ҳис қиламан:

1997 йилнинг баҳор ойлари... Менга ўзининг фойдали маслаҳатлари ва ўгитлари билан отадек бў-либ қолган Очил Қодирийнинг Чилонзордаги хонадонига йўл оламан. Ота билан учрашиб, ҳол-ахвол сўрайман.

Аввало, Очил Қодирий ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтиш жоиз: ота Самарқанднинг Каттақўрғон шаҳрида таваллуд топганлар. Бу киши атоқли сатирик шоир Абдулҳамид Мажидий, шоир Тошпўлат Саъдий, йирик олим Нуриддин Муродов, йирик журналист Комилжон Алимов, аллома Чўлпон ва Элбеклар билан дўст ва ҳамкор булган тарихчи олим. У Москва Қизил профессура институтини 1929 йилда тамомлаб, узоқ йиллар Самарқанд вилоятида ва Ўзбекистон комфирқа Марказкомида раҳбарлик лавозимларида ишлаган инсондир. У тарих фанлари номзоди, доцент.

- Мен Элбек билан дастлаб Самарқандда 1919 йилда «Чиғатой гурунги» адабий ташкилотининг ҳозирги СамДУ жойлашган эски биносида танишганман. Ташкилотнинг асосчиси Фитрат, унинг лидерларидан Элбек, Боту, Чўлпонлар билан ҳам қўл беришиб сўрашганман, - дея ҳикоя қилади Очил Қодирий. - Улар орасида нималар тўғрисида гап кетаётганини яхши билмасамда, аммо Боту томонидан ёзилган шеърлар хусусида гап борганлигини сездим. Мен уларнинг суҳбатларига аралаш-масдан ўз юмушимга чиқиб кетар экан-ман, шунда Элбек самимий бир рухда менга: «Ука, яхши йигитга ўхшайсиз, келиб туринг. Ижодларингиздан бўлса, олиб келинг», деди.

Шу-шу бўлди-ю, мен у киши билан олдин таниш, сўнг дўст бўлиб қолдим. Шоир Элбек шундай бир салобатли ва саховатли инсон эдики, у билан суҳбатлашган одам унга бутун вужуди билан ошуфта бўлиб қоларди: қадди-қомати ниҳоятда келишган, кенг яғринли, буйи тенгдошлари Чўлпондан ҳам баланд эди. У кўп гапирмас эди. Лекин виқор билан сузларди. Қаҳқаҳа отиб кулмасди, мийигида, узига хос самимийлик билан беғараз куларди. У жуда паҳлавон, бақувват инсон эди. Шундан бўлса керак, сафдошлари, биродарлари уни рамзий маънода «Алпомиш» ҳам деб қўйишарди.

1929 йилнинг июнида Ялтада 20 кун дам олиб, даволандим. Борсам, у ерда Элбек Тошпўлат Саъдий билан дам олишаётган экан. Бу ерда улар билан атиги 12 кун бирга бўлдим. Элбек Ялтада сон-саноқсиз шеърлар, ҳикоялар битди.

Элбекнинг энг яқин дусти ва устози Фитрат бўлган. Профессор Ғози Олим эса у билан жуда иноқ эди. Улар кўп вақтлар турли фольклор экспедиция-ларида, тил анжуманларида бирга бўлишарди.

Элбекнинг бир нарсага интилиши ва кўмсаб гапириши, мақсади истиқлолга интилиш билан боғлиқ умидлар эди. У билан учрашганимда, «эҳтиёт бўлиш керак, ҳар нарсани ҳам гапираверадиган жойи бор. Ҳозир кўзинг-кўзингга ошна булмаяпти, олиб кетиб қолаяпти. Қандай замон бўлди ўзи, ҳам нонимизни туя қилишаяпти, ҳам зугум утказишаяпти. Бундайларни битта-битталаб, жисмонан йўқотадиган давр келар», деган гаплари кечагидек эсимда. Шу сабабли ҳам Элбекни сиёсий идораларга бориб сотишганда, юқоридаги айтганлари асосий ҳужжат булган эди.

Шундан кейин Элбек ҳақида гуноҳлик берган ва бу билан ўзини ўша давр бухронидан қутқариб қолган бир адабиётшуносниг 1937 йил 29 ноябр куни терговчига ёзиб берган кўргазмасини ўқир эканман, кўзларимга ишонмайман. Наҳотки, ўша даврларда Элбекка шогирд тутинган инсон бўлса?...

«Терговчи: Сизга шоир Элбекнинг аксилинқилобий, миллатчилик фаолиятидан нималар маълум?

Гувоҳ: Юнусов Машриқ - Элбекни адабиётчи, шоир сифатида 1927 йилдан биламан. У менга миллатчи шоир сифатида маълум. У кўп йиллардан буён ўз атрофига халқ душманлари Мумин Усмонов, Қурбон Берегин, Чўлпон ва бошқаларни туплаб аксил инқилобий, пантуркистик ғояларни тарғиб қилиб юрган... Аниқроғи, улар билан боғланиб, ғоявий фронтни бошқарган. Бу фронтда у аксилин-қилобий пантуркизм ғояларини ёритиб, охиригача ишончли миллатчи булиб келди. Унинг ижоди «Ёш ленинчи» газетасида эълон қилинган танқидий мақоласида... шундай ғоялар аниқ кўринган».

Юқорида номлари зикр этилганлар томонидан терговда бир интервал, машинка ёзувидаги 8 саҳифалик «Хат» ҳам ишга илова қилиб, тикиб қўйилган.

Ушбу хатда муаллифлар томонидан асосан, Элбекнинг шеърлари ҳақида фикр айтилиб, игнадан фил ясалади. Ушбу «Хат»дан парча ўқинг:

«...Элбек адабиет аренасига буржуа жадид ёзувчиси сифатида кириб келган. Маҳаллий буржуазиянинг вакиллари ва ҳомийлари жадидлар Ўктабир инқилобини тиш-тирноғи билан қуролланган аксилинқилобий қора кучлар сифатида қарши олди; улар шўро ҳокимиятига, партияга қарши аёвсиз курашдилар, сотқинлик қилдилар...

Аксилинқилобчи жадид ёзувчилар Фитрат бошлиқ Чўлпон, Боту, Элбек ва бошқалар уюшиб пантуркизм ва панисломизмни тарғиб қилишди. Булар турли йуллар билан Шўро адабиёти тараққиётини бўғишга ҳаракат қилдилар... Фитрат таълимотига садоқатли булган Элбек партия ва Советларга қарши турли оҳанглар да асарлар ёзди. Аксилинқилобий газета ва журналлар Элбекнинг шеърларисиз кам чиқарди...

«Чиғатой гурунги» ҳақида Фитрат ёзади: «Биласизми, дунёда қайси тил бой ва қайси тил энг бахтсиз? Бу туркий тил (шоир бўлишни истамайман). Ростини айтганда, дунёдаги энг бой тил бу туркий тил ва энг бахтсиз тил ҳам туркий тил. (Фитрат, «Тилимиз», «Иштирокиюн», 1919, 8 май).

Фитратнинг бу фикрлари барча миллатчи ёзувчилар орасида кутаринки руҳда, жарангдор пардаларда куйланди. Бу фикрларни Элбек ўзининг «Тил» шеърида (1920) қўллаб-қувватлади».

Ушбу кўргазмалар Элбекнинг мазкур жиноий ишига маҳкам қилиб тикиб қўйилгач, орадан турт ой ўтгач, терговчи шоирни охирги марта сўроққа чақирди ва унга барча маҳбуслар учун одатдагидек бериладиган: «Сиз кўп йиллар мобайнида яширин аксилинқилобий миллатчилик ташкилотида бўлдингиз. Қани, ўзингизнинг бу фаолиятингиз ҳақида гапириб беринг-чи»,- деган саволни беради.

Шоир-маҳбус ушбу саволга дадиллик билан жавоб қилади:

- Аксил-инқилобий ташкилотда ҳеч қачон бўлмаганман!

Терговчи асабийлашади, ранги-сиз башараси тобора совуқлашади. Эт-сиз ва бесўнақай бармоқлари қисилиб, тошмуштумга айланади. Бетоқатлик билан ўрнидан туриб, бақира бошлайди:

- Ёлғон айтаяпсан! Тергов бу асоссиз маълумотларингни яхши билади! - У бироз юмшоқроқ муомала қилишга ўтади ва сўзида давом этади. - Сизнинг аксилинқилобчи, миллатчи ташкилотингиз ва унинг фаол иштирокчиси эканлигингиз терговга маълум. Булган воқеа ҳақида тўла, атрофлича ва тўғри маълумот беришингизни огоҳлантираман.

Элбек сўзида қатъий туради:

- Мен ҳақиқатни айтдим, аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига ҳеч қачон аъзо бўлмаганман!

Терговчи бу жавобдан қаноат ҳосил қилмагач, Элбекка нисбатан куч ишлатади. У Элбекка зугум ўтказар экан, столи устида турган папка ичидан 1937 йил 10 августда мажбурий ёздириб олинган Элбек ҳақидаги кўргазмани курсатиб, унинг аксилинқилобчилиги ва пантуркистлигини исботламоқчи булади. Ниҳоят, 1937 йил 29 июлда Қайюм Рамазон томонидан ёздириб олинган кўргазмани рўкач қилади. Бу кўргазмаларнинг барчаси терговчи томонидан ёзилган бўлиб, имзо мажбуран қўйдирилган эди. Уларда шоирнинг шахсига «миллатчи», «Шўро душмани», «пантуркист» сингари сифатлар ёпиштирилган ва ўта бадном қилинган эди.

Ана шундай исботланмаган, зугум остидаги тергов материаллари асосида шоир Элбекка 1938 йилнинг 5 октябрь куни «учлик»лар гуруҳи - Алексеев қозилигида, Зайцев ва Болдиревлар маслаҳатчилиги ҳамда Батнер отлиқ ёвуз қораловчилигидаги 15 дақиқалик суд жараёни 12 йил қамоқ жазоси берди. Россиянинг совуқ ўрмонларида мислсиз қийноқлар гирдобида Элбек 1939 йили вафот этди. Ўзбекистон Ички ишлар Халқ комиссарлиги бўлими бошлиги Деканнинг хабар беришича, Элбек ўша йили Верхнеурал турмасида вафот этган.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.

«Элбек нафақат шоир, ёзувчи ва журналист эди, шунингдек, у ижодкор, муаллим, биринчи фольклоршунослардан, ўткир тилшунослардан, яхши таржимонлардан эди».
Сулаймон Азимов.



ЭЛБЕК

* * *

Тўрт қабат деворнинг ичида ўткан
Кунларни кўнглингиз томом унитмиш.
Ғамли куйлар билан ўзни овитган
Аёллар шу бахтли ҳаётга етмиш.
Тўппи-қийиқлардан бўшалиб қолар
Завод, фабрикаларда мошин буралар,
Қаламлардан - найза, созладинг ўқлар
Ясаб, ёвнинг кўкрагига уралар.
Гул боғ юртимизни қоравуллашда
Ўқ бўлиб тетиклик билан илгари.
Борамиз биз ботир қалам қўшини,
Юрагимиз биздан сўрайди шуни.
Уйнаймиз, куламиз бу боғ бизники
Гул боғнинг гулига шеър қўшамиз.
Кулингиз, кулингиз, гуллар, зораки,
Сиз кулсангиз биз дарёдек жўшамиз.
Айтингиз, айтингиз, эй дўстлар, қўшиқ,
Қўшилиб бизлар ҳам ашуланғизга.
Сайраймиз гулбоғнинг булбули бўлиб,
Яйраймиз сиз билан завқларга тўлиб.

1935 йил, Ёзувчилар боғи.

ЯНА АЛДАДИНГ

(Чиғатой гурунги)

Қўлларингда ушлаб турғон чолғунгни
Бир кўришда «чин чолғу» деб ўйладим.
Ўйладим-да юрагимнинг тегидан
Чин севичли турли куйлар куйладим.
Куйларимни секин-секин тинглагоч,
Ёлғиздан бир алдабгина йиғладинг!
Йиғладинг-да, туриб-туриб узокдан,
Менга боқиб, бир неча сўз сўзладинг!
Мен ҳам сенинг узоклардан мунгланиб,
Айтиб тургон сўзларингни тангларга,
Ёнинг сори секин бориб, ёнишдим
Ёнишдим-да, йўлларимдан одошдим...
Одошмасга қўймадинг сан алдамчи!
Алдадинг, сан бу кун мани ёлғончи
Ёш чиқармай, йиғлар туслику ва данг,
«Тил чолғу» деб чин чолғуни ёширдинг!
Берган чолгунг чолғу эмас-ку, десам:
«Сен чолғуни танимассан!» деб кулдинг!
«Чин чолғуни бер ҳозиро» деб, кичқирсам
«Кулибгина ўйнолмайсан!» деб сўкдинг!

«Иштирокиюн», 1920 йил,
18 сентябрь

Араб ёзувидан Ҳ.Узоқов ўгирган.





Ҳожибой Тожибоев:
Қанақа тўй бўлди экан-а?

ТОМОША

(ҳажвий репортаж)

Қишлоқ оқсоқоли: (микрофон тутганча) - Пуф-пуф... Пуф-пуф...

Қани, ҳамма жойпашиб бўлдими? Халойиқ, тўйни бошлаймиз. Олдин бачча-чақани даврадан чиқаринглар... Қани, ҳой, сўлакайи оққан... Марш бу ердан! Хўш, бу бўйи пакана ким бўлди? Галстук тақиб олганига ўлаймми... Қани, бақалоқжон сен ҳам... Э-е, куёв шу болами?! Нега оёқ остида ўралашиб юрибсан? Келинпошшо билан ўйнашга «Рено-рено»га артистларга заказ бериб келяпсан! Ҳа-а... Тез жойингга бориб ўтир. Чилланг чиқмагунча келинни ҳам ёлғиз қолдирма. Бўлди, ўртоқлар... Тўйни бошлаймиз! Хуллас, бугун Бердиёр бригад етти қиздан кейин бўлган ўғли... анови гиламда нима ёзилган? Ҳа, Келдиёрбойни уйлантираяпти. Тўйни олиб бориш учун удумга кўра раис, яъни бошқарувчи сайлаб олишимиз керак. Кўпчиликнинг таклифи билан бу лавозимга ... Пуф-пуф! Ие, свет ўчдими?! Қани Мўмин мантёр? Нега чироқни ўчирдинг-а? Тўй эгаси тугунчасини берсин... Ҳў-ў, бригад! Шунча кетганнинг бири-да... беринг, шу боланинг ҳақини... Бир бўйни узун, бир товоқ ош кимни ўлдирибди! Таомили шу-да.. Тўй қилгач мантёр, мулла, ошпаз, участковой... Қолаверса, бизга ҳам «тугунча» қипсиз-да!

Ана, келин ҳам аразлаб кетаманга тушибди!... Яшасин, ана чироқ ёнди! Жим-жим!!! Сигарет, нос чекилмасин, қизларга гап отилмасин. Хуллас, тўйни бошқаришни қалхўв раисининг маданий ишлар бўйича ўринбосари Қулмаматжонга бераман. Қани , бир қарсак....

Қулмамат: Пуф-пуф-ф... Бир, бир,бир-р.. Яхши! Рухсатми, Аёзбой ака?! Хўп-хўп...Қуллуқ, ака! Бошладик унда... Эҳм! Тўй оқшомининг муҳтарам ва муҳтарама меҳмонлари! Ҳурматли Аёз Авазович! Бугун биз бахт остонасида турган икки ёш, куёв укамиз Келдиёрбой билан келинимиз бўлмиш Момохолойларни бахт ва висол оқшомига (микрофон ўчади)... Пуф, пуф-ф...Ўртоқ монтёр! Нега ўз функциянгизга совуққонлик билан қараяпсиз, Хайрият, яна ёнди!... Хуллас, бу оқшом само мавжудотлари оёқларига қўнғироқчалар боғлаб келин ила куёвни қутлаётгандек! Бир шоир калон айтганидек:

«Севги нима? Юлдузми, ойми?
Сир-асрорга шунчалар боймиз!
Ё, ошиқ юрагин парчалаш учун
Тизгинланмаган тойчоқми-тойми?!»

Биринчи овоз: - Боқивой, бу Қулмамати қурғур, гапни роса андавалаяптими?

Иккинчи овоз: - Ҳа, энди Соқивой, бу-ку, ҳали тирик инсон. Томоғини қашласанг пишак ҳам хуриллайди-ку! Бежизга сайраяптими... Ҳозир, бир тўйни бошқариш... Қулоқни тутинг...

Биринчи овоз: - Йўғ-е, бу пулга бозорда катта бир курка беради-ку!

Иккинчи овоз: - Ҳа-да! Яна тугунчаси ҳам бўлади.

Қулмамат: - Энди, дастлабки табрик сўзини ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган инсон, доно ва ташкилотчи, саховатпеша раҳбар, колхозимиз раиси Аёз Авазовичга бахшида этсак! Қани, бир гулдурос қарсак! Э-э, Аёзбой ака безовта бўлманг, микрофонни ўзим эптаман-а..

Аёз Авазович: - Та-ак! Мирзача қаердасан? Ҳалиги нутқим ёзилган варақни узат... Зокуска эмас, қоғозни узат деяпман, меров! Оббо, ҳалитдан ўчибсан-ку?! Ҳой, тамада, сенга биринчи замечание, нега мен гапириб бўлмасдан, ичкиликка рухсат бердинг! Та-ак. Ўртоқлар, ҳали тамада тўғри айтди. Мени умрим одамларга яхшилик қилиш билан ўтаяпти. Бўлмаса, ҳозир йиғимтерим қизиган палла. Пахта план ярим бўлган бўлса-да, бироқ кўнглим меҳрга тўла! Бўлмаса, шундай пайтда тўй қилишга ким ҳам рухсат берарди?! Лекин, мен рухсат бердим. Нега?! Чунки, Бердиёр бригад бебаҳо одам. Мана, бир мисол. Бизни ўртанчи ўғилни тўққиз иккита буқани бўкиртириб боқиб берди, азамат! Райондан, областдан меҳмон, комиссия келадими, чойнонини ҳам шу бригад ўз бўйнига олади. Бошқа бригадлар ундай эмас... Шунинг учун бу бригадга сезондан сўнг молларини... майли, далада ўтлатишга рухсат! Нега десангиз, совуқ уриб очилган пахта терилмасдан барибир пайкалда қолиб кетади... Умуман, Бердиёр бригад...

Четдан овоз: - Ҳў раис бова! Келин-куёв ҳақида ҳам гапиринг. Бугун Бердиёр бригад уйланаётгани йўқ-ку?!

Аёз Авазович: - Ким у бемазза, нутқимни бузган? Ҳовлиқма қани! Шошган пишак кўр туғар... Хўш-ш, куёв ҳақида гапирсак... Бердиёрбой, йўғ-е, Келдиёрбой кичкинагина бўлсаям, аммо, ўт-олов йигит! Мана, ҳарбий хизматдан кейин ҳам, «форма»да бизга кўп фойдаси тегяпти. Милисанинг обрўсини биласизлар, энди. Катта йўлга чиқиб шундай қўлини кўтарса бас, любой мошин тақа-тақ тўхтайди! Ундан кейин колхозда учта-тўртта шантаж, тепага менинг устимдан ёзиш билан шуғулланадиган «ёзувчилар» бор. Ўшалар ҳам форма кийганни кўрса пусиб қолишади. Куёв Келдиёрбой ана шундай ҳурматга эга! Хуллас, келинглар, келин-куёвга эски трагедиямизга кўра...

Четдан овоз: - «Трагедия» эмас, раис бобо, «традиция» денг! Расво қилдингиз-ку...

Аёз Авазович: - Ўв-в! Ким бўлсанг ҳам ёмонам маҳмадана экансан-да! Нутқ қоғозим бўлгандаку, қандай гапиришни сенга кўрсатардим... Бўлди, настроениям бузилди! Гапим тамом. Мирзача, ароқдан қуй...

Қулмамат: - Мана, ўртоқлар! Азиз акамиз Аёз Авазовичнинг болдан ширин, асалдан лаззатли сўзларини қалбингизга бахшида этдингиз. Шу киши шаънига кафт қабаргунча бир қарсак чапайлик... Раҳмат... (Чироқ ўчади)... Лаънат, бу монтёрга! Яна нима бўлди?!

Мўмин монтёр (кайф аралаш): - Менга ароқ деб, ҳиқ, вино берибсизлар... Ҳиқ! Бу обрўйимга тўғ-ри келмайди! Давай, ароқ! Ато...Ҳиқ...Ҳамма ёқ зим-зиё бўлади. Хўп-п... Мен кетдим столбага!

Қулмамат: -Ана, яна чироқлар ёниб, қалбларимиз ҳам ёришди! Энди, навбат куй-қўшиққа!

«Қўшиқ билан бошланур ҳаётнинг боши,
Қўшиқ билан гўзалдир турмушнинг нақши», деганларидек, туман ишқилиб... шеик!

Биринчи овоз: - Боқивой, а, бу қистир-қистир бошланди-ку! Бош бухгалтер деган номингиз бор... Нима, қараб тураверамизми.

Иккинчи овоз: - Соқивой, ҳовлиқманг. Ҳали тўй охирида бу Ҳуморойи илондай қўйнингга кириб, киссангни шип-шийдон қилганини билмай қоласан... Ундан кўра, пулингни пичасини ўғри чўнтагингга яшир!

Рафаэл (хирипланган, бўғиқ овозда): -

«Келин бола мисли ой,
Куёв бола мисли той,
Белни ўйнат Ҳуморой,
Ҳар боқишинг сўлкавой...
У ёнга ташаб ўйна, бу ёнга ташаб ўй...» (микрофон ўчади).

Қулмамат: - Оббо, бу монтёр нега ўз функциясига...У-ў, Бердиёр бригад, бизнинг ҳисобдан яна шунга битта шиша беринг! ... А, ана ёнди! Бу бошқа гап... Ўртоқлар, бизга тўй соҳиби номидан битта «записка» тушди. Шу меҳмонлар ҳуши жойидалигида Бердиёр бригад сизларга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчи экан...

Бердиёр бригад: - Меҳмонлар, аввало, тўйга хуш келибсизлар! Энди, кими бўлса кечирасизлар... Шу ёлғиз ўғилни тўйини мана, емайичмай, гадойга бермай, пишакка олдирмай, кучукка тишлатмай етти йил йиғиндим. Мен анови Болта бригадга ўхшаб қурумсоқ эмасман. У сурнай чалдирган бўлса, бизникида карнайдан деволнинг шувоғи кўчиб тушди. Ҳа, шовла кетсаям, обрў кетмасин дейманда! Боқувдаги беш ғунажин, ўн беш бўрдоқи... Ана етмаса, пахта пайкалида яна иккита ҳўкиз бор. Бировларга ўхшаб «бормотуха» қўйганим йўқ. Шаҳрисабзнинг булкиллаган арағидан йигирма яшигини йиғиб қўйганман. Ичинг, яйранг... Ҳа-а, мени Бердиёр бригад эмас, Бердиёр бойвача дейди! Мен.. Мен! Э-е, қудағай... нега микрофонга тармашаяпсиз? Сиз ҳам гапирасизми?!

Қудағай: - Меҳмонжонлар, мен анови тўрда мунғайибгина ўтирган келинни туққан знаси бўламан! бу Бердиёр бригад дегани «бойвачча» эмас, ўлгудай ёлғончи, мақтанчоқ одам экан! Шошманг, қўлимдан ушланг! Номаҳрам аёлнинг билагидан тутгани уялмайсизми, а, қуда? Берган ваъдаларингиз қани? «Чайка» ўрнига раиснинг эски, пачоқ «Волга»си билан парткомнинг шалдироқ «Виллис»ини «ЗАГС»га олиб келиб бир шарманда қилдингиз. Ғиёс Бойтоевни олиб келаман, деб катта кетиб, қаёқдаги тарақ-туруқчи билан алдаб ўтирибсиз! Айтган дорвозчиларингиздан ҳам дарак бўлмади... Энг шармандаси, келин сарподан тўртта асл матоҳни хотинчанг ўмариб қобди! Сиғса тўй қилда, бойвачча! Нима, туядай қиз бериб, тугмачадай жаз еёлмай қоламанми?! Ҳозир, сен қудани соқолингга ўт қўяман... Вой, ман ўлай, манови менга тармашаётган алқаш ким?!

Мўмин монтёр: - Мен алқаш бўлсам, сен алвастисан! Танимай қопдингизми, хопажон! Қизимни сенга бераман, деб телевизор-холодилнигингизни бепул созлаб олувдингиз-а. Энди, Момохопхон шапкасига учиб, анови милисани биздан ортиқ кўрдими?! Йўқ, бунақаси кетмайди! Мени Мўмин монтёр дейди! Ёндираман, ўчираман!!! Халойиқ, ҳозир свет бутунлай ўчади... Во-о, кўзим! Нега урасан? Милиса бўлсанг ўзингга... Бўғма дейман, бўғ-ғ...

(Чироқ бутунлай ўчади. Қоронғилик).

Муҳаммад ОЧИЛ.

• Бир чимдим кулгу

- Ганс, эшитдингизми, бензиннинг нархи жуда ошиб кетибди-ку!

- Сенга нима? Машинанг йўқку?

- Машинам бўлмаса ҳам, зажигалкам бор.

***

Театрда:

- Марҳамат қилиб, гаплашишни бас қилинглар. Биронта ҳам сўзни тушунмаяпман.

- Хотиним билан нимани гаплашаётганим нима учун сизни қизиқтириб қолди?

***

- Менга тушунтиринг-чи, - деб судья айбланувчига мурожаат қилади, - қандай қилиб ёлғиз ўзингиз шунча сувратни ўғирладингиз ва жуда оғир тугунни орқалаб чиқиб кетдингиз?

- Тушунтириб нима қиламан? Барибир, сизнинг қучингиз етмайди буни қилишга.

Юридик маслаҳатхона

МЕРОС ҲУҚУҚИ

Мерос таркибини нималар ташкил этади?

Мерос таркиби - мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан сўнг ҳам бекор бўлмайдиган мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидир.

Демак, мерос олишда нафақат эгалик ҳуқуқи, балки у билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар ҳам юзага келади. Масалан, олинган қарзни қайтариш, кредитга олинган буюм қийматини тўлаш, коммунал хизмат ҳақини тўлаш ва ҳоказо. Мерос қолдирувчининг кредиторлари меросни бошқарувчига ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятлари бўйича талаб қўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда, меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қийматидан қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар.

Лекин, шуни айтиб ўтиш керакки, меросхўрларнинг мерос қолдирувчининг қарзларини қоплаш бўйича мажбуриятлари фақат қабул қилиб олган мулк қиймати доирасидагина иборат бўлади.

Мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ бўлган номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига кирмайди. Уларга:

- юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари қонун ёки шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса;

- ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;

- алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

- Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи.

Д.ХАЛИЛОВ
тайёрлади.



Илҳом Зоир расми

Сўзсиз сурат.